

ВАТАНШАРВАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА
ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ
ОРГАНИ

- 2003 йил, 24 июль, пайшанба № 89 (1821).
- Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.
- Сотувда эркин нархда.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ
ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

- Четверг, 24 июля, 2003 г. № 89 (1821).
- Газета издается с 24 июня 1992 г.
- В розницу — цена свободная.

Оқсаройда қабул

Узбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 22 июль кунин Оқсаройда Россия Федерациясининг «Газпром» оқиқ турдаги акционерлик жамияти бошқаруви раиси Алексей Миллерни қабул қилди.

Утган йилнинг декабрида «Узбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси билан «Газпром» ўртасида «Газ» соҳасида стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланган эди. Ушбу келишув доирасида жорий йилнинг май ойидан Узбекистон табиий газининг экспорти бошланди. Шартномавий мажбуриятларга кўра, 12 ой давомида газ экспорти ҳаёми 5 миллиард куб метрга етиши керак.

— Ушбу ҳужжат «Газпром» билан янгича муносабатларимизга тамал тошини қўйди, — деди Ислам Каримов учрашувда.

Дарҳақиқат, ҳамкорлик тўла стратегик шериклик таъминидир.

Маълумотларга кўра, 2003 йилга бориб, Узбекистон газининг экспорти 10 миллиард куб метрга етказилади. Бу кўрсаткичга эришиш учун «Узбекнефтегаз» билан «Газпром» ўртасида компрессорларни тўла таъмирлаш газ транспорти тизимини такомиллаштириш учун моддий-техникавий ресурслардан ҳамкорликда фойдаланиш борасида келишувга эришилган.

Айни пайтда «Газпром» билан ҳамкорликда Шоҳпахта конини тўла ўзлаштириш ишлари бошлаб юборилган. Унда 11,9 миллиард куб метр газ борлиги аниқланган. У ерда қўшимча босим берадиган компрессор станциясини барпо этиш лойиҳаси ишлаб чиқилди. Томонлар уни ҳаётга имкон қадар тезроқ жорий қилиш борасида ишламоқда.

«Узбекнефтегаз» билан «Газпром» Устюрт минтақасидаги конларни ўзлашти-


риш борасида ҳам ҳамкорлик қилмоқда. Айни пайтда «Узбекистон Республикасининг Устюрт минтақасидаги конларда геология-разведка ишларини ўтказиш ва уларни ўзлаштиришда ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома» тасдиқланган. Бу ишга «Газпром» замонавий технологиялар ва сармоя билан ҳисса қўшиш ниятида.

Бундан ташқари, нефть ва газ қазиб олиш, ташиш, компрессор станцияларини ишлаши, бургилаш билан шуғулланувчи мутахассисларни қайта тайёрлаш дастури ишлаб чиқилган. Жорий йилнинг сентябридан келаси йилнинг июлигача «Газпром» ўқув марказларида 900 нафар ўзбекистонлик мутахассис малака ошириши мўлжалланмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда ҳамкорликнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболга оид масалалар муҳокама қилинди, икки томонлама фойдали янги лойиҳалар ишлаб чиқиш имкониятлари кўриб чиқилди.

(ЎзА).

● СЕНИНГ УҒЛОНЛАРИНГ, УЗБЕКИСТОН!



Лейтенант Соҳиб Уроқов хизмат қилиб келган тўпчилар жамоаси ўтган ўқув мавсумини юқори натижалар билан якунлаб, янги ёшги ўқув машғулотларини ҳам кўтаринки руҳда олиб боришмоқда. Бу муваффақиятларда қарбий қисм ракета-артиллерия куроллари хизмати бошлиги лейтенант Уроқовнинг ҳам ҳиссаси катта, албатта.

Александр МРУЧАК олган сурат,

● МАВСУМ МАШҒУЛОТЛАРИДА

Масъулиятни ҳис қилиб

Майор Амин Мухторов етакчилигидаги жамоа олдиларига қўйилган жанговар вазифа масъулиятини чуқур ҳис қилишгани учун ҳам тезкор, аниқ ҳаракат қилишди. Дала-ўқув машғулотларини тоғ шаронтида ўтказавериб, муайян малака, тажриба тўплаган посбонлар учун навбатдаги машқлар қийинчилик тугдирмади. Посбонлар ўзлари масъул бўлган ҳудудда блок-постлар ташкил этиши лозим. Қолаверса, ўша ҳудудни қўриқлаш ҳам уларнинг зиммасида.

— Катта лейтенант Зафар

Уразметов командирлигидаги взвод шунқорлари мазкур машғулотда маҳорат кўрсатишди. Бунда айниқса лейтенант Анвар Ҳамидов етакчилик қилган гуруҳ посбонларининг хизматларини таъкидлаш мумкин. Улар блок-постлар қўйиш, пистирмада туриш, шартли душманини қўриқлаб олиб, бартаф этиш машқларини қўйиллашиб бажаришди. Тарбиявий ишлар ҳусусида гап кетганда, уларнинг маънавий-руҳий аҳволини барқарорлаштириш, қарбий-сиёсий вазият ҳақида (Давом 2-бетда).

● БОЕВАЯ УЧЕБА: ОПЕРАТИВНО-ТАКТИЧЕСКИЕ УЧЕНИЯ

ВЗВОД УХОДИТ В ПОИСК

В ходе оперативно-тактических учений в Юго-Западном особом военном округе продолжается отработка действий различных подразделений в условиях горной местности. Взвод старшего лейтенанта А. Рызаева получил задачу провести разведывательно-поисковые мероприятия в заданном районе.

В отличие от действий на равнинно-пустынной местности, в горах военная разведка приходится сталкиваться с проблемой преодоления различных довольно сложных препятствий. Уже при выдвижении в исходный район группа старшего лейтенанта А. Холикова, действующая впереди основных сил, должна была организовать переправу через горную речку.

Для таких опытных военнослужащих, как младшие сержанты по контракту Р. Нематов, Х. Хайриев и их сослуживцы, организация и проведение переправы с использованием веревки и блок — дело привычное. Однако закрепив канат по обоим берегам реки, они помогли боевым товарищам в короткое время преодолеть препятствие. (Окончание на 2-й стр.)

Ҳамкорликнинг амалий самараси

Узбекистон Республикаси ва АҚШ ўртасидаги самарали ҳамкорлик кўлами тобора кенгайиб бораётир. Бунинг АҚШ давлат департаментининг 2000 йилнинг апрелида мамлакатимизда фаолият бошлаган «Экспорт назорати ва чегара хавфсизлиги» (ЭНЧХ) дастури доирасидаги ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

АҚШ ҳукумати томонидан Узбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитага УАЗ русумидаги 146 автомашинани топшириш маросими бўлиб ўтди.

Умумий қиймати 800 минг АҚШ долларига тенг мазкур автомашиналар ЭНЧХ дастури доирасида тақдим этилди. Улар божхона ходимлари ва чегарачиларга ўз вазифасини бажаришида жуда қўл кел-

лади. Маросимда сўзга чиққан Узбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси Б. Парпиев ва Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита раисининг ўринбосари Р. Хабиев, АҚШнинг мамлакатимиздаги муваққат ишлар вакили Дэвид Эпплтон мамлакатларимиз ҳамкорлигини кўплаб соҳаларда, жумладан, хавфсизликни таъминлаш борасида ҳам изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

АҚШнинг Божхона ва чегарани қўриқлаш агентлиги билан ҳамкорликда амалга оширилаётган ЭНЧХ дастури оммавий қирғин куроллари, улар билан боғлиқ технологиялар ва бошқа турдаги куролларнинг тарқалишига қарши ҳамкорликда курашишни кўзда тутди. Узбекистонда мазкур дастур экспорт на-

зорати соҳасига ёрдам кўрсатиш — лицензиялаш ва ҳуқуқий соҳага доир семинарлар уюштириш, техникавий жиҳозлар етказиб бериш ҳамда чегара хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартибот маҳкамалари ходимлари учун ўқув машғулотлари ўтказиш шаклида амалга ошириб келинмоқда.

ЭНЧХ дастури ўтган вақт мобайнида ана шундай мақсадлар учун Узбекистонга 3,5 миллион АҚШ долларига тенг ҳажмда ёрдам кўрсатган эди. Жорий йилда эса алоқа воситалари, юк автомобиллари ва тунда кўриш асбобларидан иборат 6 миллион долларга тенг техникавий ёрдам кўрсатилиши режалаштирилган. Келаси йили эса иккита вертолёт тренажери ва иккита қўриқчи кема етказиб берилди.

Нодирбек УЛЖАБОВ, (ЎзА).

КОМРОН МИРЗО ДЕВОНИ ЯНГИ НАШРИ

Алишер Навоий номидаги адабиёт музейида адабиётимизнинг бир неча асрлик даврига оид кўплаб ноҳад кўлзма ва тошбосма асарлар сақланади. Айни кунларда бу ерда Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг ўғли Комрон Мирзонинг шеърӣ девони янги наشري устида

қизғин иш олиб борилаётир. Комрон Мирзо шеърӣ девонининг ҳозиргача учта нусхаси маълум. Улардан бири Ҳиндистоннинг Патна шаҳридаги Худобахш кутубхонасида, иккинчиси Калькутта Осие жамияти кўлзмалари фондида ва учинчиси Рампур шаҳридаги Ризо

кутубхонасида сақланапти. Ушбу нусхаларни ўрганиш ишларининг ўзбек ва форс тилидаги ижоди тўғрисида тўлиқроқ маълумот олиш имконини беради.

Музей илмий жамоаси янги наشري ана шу учала кўлзмада жамланган шеърлар асосида тайёрлаётир.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

ЯНГИ МАРКАЗ ИШ БОШЛАДИ

Самарқанд тиббиёт институтининг кўз касалликлари шифохонаси ҳузурда кўз касалликларини лазерли микрохирургия усули билан даволаш халқаро маркази ташкил этилди. Марказ ин-

ститутнинг офтальмология кафедраси ҳамда «Кристоф-фель-Блиндемиссон» халқаро инсонпарварлик ташкилоти ҳамкорлигида ишга туширилди. Марказга Германиянинг «Цейсс» фирмаси

ишлаб чиқарган замонавий офтальмологик лазеркогулятор ўрнатилди.

Марказда беморлар бепул даволанади. Унда юқори малакали шифокорлар меҳнат қилмоқда.

А. ҚАРШИЕВ, ЎзА мухбири.

Ишонч телефони

Ҳарбий хизматчилар ва улар онла аъзоларининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, уюшқоқлик ва тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, ҳарбий қисм ва муассасаларда салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ҳар бир ҳарбий хизматчи мазкур масалалар бўйича ҳар тун соат 9.00 дан 19.00 гача Мудофаа вазирлигидаги қуйидаги «ишонч телефони» ларига қўнғироқ қилиши мумкин: 169-82-08, 169-82-00 (Тарбиявий ишлар бош бошқармаси); 169-86-82 (Мудофаа вазирлиги юридик хизмати).

ВЗВОД УХОДИТ В ПОИСК

(Окончание. Начало на 1-й стр.).
 вие, не забывая при этом и об организации боевого охранения места переправы.
 Новое препятствие — крутой склон, переходящий в скальный обрыв. И вновь воины-разведчики на высоте. Младшие сержанты С. Туралиев, А. Гулямов взобрались на вершину и, используя канаты, организовали подъем личного состава с соблюдением всех мер страховки. Так же быстро и организованно группа спустилась с противоположной стороны склона, продолжая вести разведку местности.

Старший лейтенант А. Ризаев, следуя с основными силами взвода вслед за передовой группой старшего лейтенанта А. Холикова, прежде всего стремился обеспечить безопасность своих

подчиненных от возможного нападения «противника». На занятиях разведчики не раз отработывали контрзасады действия, так что каждый специалист хорошо знает, как будет действовать в той или иной обстановке. Выдвинутые по флангам боковые дозоры бдительно осматривали ближайшие окрестности, дабы своевременно обнаружить местонахождение «противника».

Именно боковому дозору и выпало обнаружить первые признаки «лагеря боевиков»: чуть заметный дымок от костра у горного склона. Теперь было очень важно обеспечить незаметное выдвигание на удобные для наблюдения позиции, точную разведку сил и средств «бандгруппы» и передачу собранных данных вышестоящему командованию.

Воины-разведчики, заняв наиболее выгодные позиции, продолжали ведение наблюдения за «противником». Своей задаче они выполнили. Теперь была очередь за авиаторами и артиллеристами, военнотехниками специальными подразделениями Министерства обороны и внутренних войск МВД, которые на основе полученных данных на следующем этапе организуют «нейтрализацию и уничтожение противника».

После краткого разбора выполнения учебно-боевой задачи подчиненные старшего лейтенанта А. Ризаева убывают в полевой лагерь, где им предстоит небольшой отдых, а затем — новые задачи, новые выходы в горы, горные ущелья. Учения продолжают.

Лейтенант Хасан МИРЗАЕВ. (ЮЗОВО, из района учений).

БОЕВАЯ УЧЕБА: ОПЕРАТИВНО-ТАКТИЧЕСКИЕ УЧЕНИЯ

ОБЕСПЕЧИЛИ САПЕРЫ

В считанные дни на берегу горной речки развернулся полевой лагерь. Но как быть с питьевой водой, соответствует ли она из горного потока всем необходимым санитарным нормам?

Выручили саперы. Развернув автоматическую фильтровальную станцию, они в полном объеме обеспечили лагерь водой для питья, приготовления пищи и технических нужд. Лаборант младший сержант А. Рад-

жапов, а также младший сержант У. Мансуров и рядовой И. Чориев тщательно следят за тем, чтобы подаваемая ими вода полностью соответствовала строгим нормам, надежно обеспечивают потребности подразделений, выехавших на оперативнотактические учения.

Лейтенант Хасан МИРЗАЕВ. (ЮЗОВО, из района учений).

МАСЪУЛИЯТНИ ҲИС ҚИЛИБ

(Давоми. Боши 1-бетда).

маълумот бериш, явқа тартибда суҳбат ўтказиш бўйича муҳим ишлар қилинганини таъкидлаш лозим, — дейди батальон командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари катта лейтенант Акмал Ошқоқов.

Қўмондонлик штаб ўқуви машғулотида алоқанинг ҳам ўрни муҳим. Бунда алоқачилар взводи командири капитан Нуриддин Ҳошимов етакчилигидаги посбонларнинг хизматлари таҳсинга лойиқ бўлди. Айниқса, алоқачи посбон кичик сержант Шухрат Раҳмонов хусусида узоқ тўхталиш мумкин. Соҳасининг профессионали бўлган бу ўғлон энг замонавий алоқа ускуналари билан моҳирона ишлаш билишини амалда кўрсатди. Шу боис қўмондонлик билан алоқа ўзлуксизлиги таъмин этилди.

Машғулот якунида қўмондонлик томонидан қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари майор Шарофиддин Гаппаровнинг ўз вазифасига аниқ,

масъулият билан ёндашгани таъкидланди. Маълумки, жангда посбонлар руҳини кўтариш, уларни ғалабага руҳлантириш, ўз кучига ишонтиришда тарбиявий ишлар самарадорлиги муҳим. Ҳўш, машғулот давомида тарбиячи офицер қандай тажрибаларга суянди?

— Аввало менда ўзим тузган режа бор эди. Бунга кўра ҳар куни эрталаб шахсий таркиб тезкор ахборотлар билан таништирилди. Улар билан минтақадаги ҳарбий-сиёсий вазиятнинг ўзига хослиги борасида суҳбат олиб бордим. Явқа тартибдаги суҳбатлар давомида эса уларнинг руҳини аҳолини яқиндан ўргандим. Ҳар хил омиллар уларнинг маънавий-руҳий ҳолатига таъсир қилмаслиги керак-да. Хуллас, режа бўйича барча чоратadbарлар кўнгилдагидек ўтди. Машғулот бизга яна бир нарсани кўрсатди. Эгни ўқув мавсумида тарбиявий ишларимиз тўғри йўлдан кетмоқда экан, — деди жумладан у.

Капитан Алижон САФАРОВ, «Ватанпарвар» мухбири.

ВСЕГДА НА СТРАЖЕ

Подразделению, в котором проходит службу офицер Ш. Атакузиев, на оперативно-тактических учениях была доверена важная и ответственная роль: нести охрану штаба руководства.

В первые же дни отличился парный патруль, который возглавлял младший сержант Ф. Каржонов, задержавший проинфишего в лагерь нарушителя. Благодарность от старшего начальника подняла боевое настроение заступающих в наряд военнослужащих, придали им новые силы.

Специалисты-саперы под руководством младшего сержанта Ф. Джуманова в короткий срок оборудовали три сторожевых поста, обеспечив прикрытые подходы к лагерю. Связисты младший сержант Ш. Нуралиев и младший сержант А. Мухитдинов обеспечили устойчивую связь между всеми охраняемыми объектами. Гранатометчик младший сержант С. Нуралиев принял участие в устройстве контрольно-пропускного пункта.

Конечно, надежная охрана и оборона лагеря была бы невозможна без четкого несения службы дежурящих по штабу офицеров подразделения. Выпускник Ташкентского ВОРУ 2000 года, командир группы старший лейтенант Ш. Атакузиев в ходе дежурства умело организует взаимодействие заступающего в наряд личного состава, грамотно оценивает складывающуюся на каждый час обстановку. Смело берет на себя ответственность, принимает правильные, взвешенные решения. Этот офицер — один из первых кандидатов на выдвижение на вышестоящую должность.

Подполковник Владимир КАЛОШИН.

ИШОНЧ БОРКИ, ҚАТЪИЯТ БОР

... Полигонда навбатдаги амалий машғулотлар давом этмоқда. Механик-ҳайдовчи кичик сержант Соиб Асқаров ўз вазифасини яхши билди. Мазкур тактик-ўқув машғулотида посбон ўзига бириктирилган пиёдалар жанговар машинаси билан шартли равишда миналаштирилган майдондан ўтмоғи лозим. Машқ мураккаб ва масъулиятли бўлса-да, ўғлон моҳирлик билан утди.

Ахир тажрибаси, кўниммаси бор-да. Навбат тўсиқлардан ўттига келди. Бу машқ ҳам ҳайдовчилик маҳорати билан боғлиқ. Газни салгина кўпроқ босса ёки тезликни меъеридан оширса, машқ муваффақиятли адо этилмаслиги мумкин. Тажриба яна ўз сўзини айтди. Сўнгги вазифа — кўприклардан ўтишни ҳам қўйиллатган, посбон «аъло» баҳони қўлга киритди.

Бундай мисолларни лавҳамиз қаҳрамони фаолиятдан кўпда келтиришимиз мумкин. Масалан, эгни ўқув мавсумининг бошларида округ қўмондонлигидан текширувчилар келишди. Улар энг аввало жамоанинг жанговар шайлигини синовдан ўтказишди. Ўқув тревогаси эълон қилинди. Зудлик билан жанговар техникани шай ҳолатга келтириш лозим. Кичик сержант С. Асқаровга бириктирилган пиёдалар жанговар машинаси биринчи бўлиб шай ҳолатга келтирилгани учун унга миннатдорчилик эълон қилинди.

Соиб дастлаб Термизда механик-ҳайдовчилик илмидан сабоқ олган. Ҳозирда у капитан Салим Аҳмедов командирлик қилаётган батальонда ўз бурчинини ўтамоқда. Мотоўқчилар жамоасига келиб, ҳар томонлама шаклланишида унга взвод командири катта лей-

тенант Дониёр Ҳайитбоев яқиндан ёрдам берди.

Фарғонанинг Олтариғидаги Файзобод қишлоғига бир эмас бир неча бора посбон ўғлондан миннатдорчилик хатлари борди. Аниқроғи, кичик сержантнинг ота-онасига. Қишлоғи ҳақида гап кетганда, Соиб яйраб суҳбатни давом эттирди. «Бодринг, узум етиштириш билан машхур қишлоғимиз. Тез-тез киндиз қоним томган маскани туш кўраман. Яна бир гап. Қишлоғимни, яқинларимни ҳаёлимдан ўтказганимда кўнглим алланечун бўлиб кетади. Ўзимча бу Ватан туйғуси бўлса керак, деб ўйлайман. Мен юртни ҳимоя қилаяпманми, демак қадрдон қишлоғимни ҳам ҳимоя қилаяпман. Ана шу тушунчадан келиб чиқиб, бурчимни ҳалол ўташга интиляяпман», дейди жумладан у.

Мустақиллик ҳақида гап бошлаганимизда ҳам асқар ўғлоннинг қалби тўлқинланиб кетгандай бўлди.

— Мен истиқлол айёмини иккинчи бора армияда кўтиб олаяпман. Утган йил эндигина соҳа илмини ўрганишга бел боғлаганим учун ютуқларим қувонарли бўлмади. Бу йил аъло ютуқлар билан истиқлолни қарши-лашга ишончим қомил. Масалан, мавсумнинг илк ойида натижаларим қутилганидек бўлди. Яқинда дала-ўқув машғулотидаги кўрсаткичлар билан ютуқларни бойитдим. Қузда муддатли хизматим ўз ниҳоясига етади. Ниятим шартнома бўйича хизматни давом эттириш, профессионал бўлиш.

Одамда ўз кучига, билимига ишонч бўлгандагина қатъият билан гапирди. Посбон сўзларидан ҳам фақат ва фақат қатъиятни ҳис қилиш мумкин эди.

Капитан Ш. ТОЛМАСОВ.



Жанговар техникани шай ҳолатда тутиш билан биргаликда, унинг эксплуатациясига алоҳида эътибор бериш ҳам ҳарбий хизматчининг бурчи ҳисобланади. Шартнома бўйича хизмат

кичик сержант Замир Набиев ўзига бириктирилган жанговар машинани ана шу талаблардан келиб чиқиб бошқаради. Александр МРУЧАК олган сурат.

ШАРҲЛОВЧИ МИНБАРИ

Ироқ: иттифоқчиларнинг муҳим ғалабаси

бираси, номаълум киши эса уларнинг тасоқчиларидан бири бўлиши мумкин.

Айни пайтга келиб, АҚШ ҳарбийларининг Ироқдаги қўмондонлиги ҳам, Оқ уй маъмурияти ҳам мазкур хабарнинг ҳақиқат эканини тасдиқлаб, Мосулдаги операциянинг қўшимча тасфилотларини ошкор этди.

Маълум қилинишича, Удай ва Қусай бир қанча вақт мобайнида Саддам Хусейннинг қариндошларидан бирига тегишли уйда яшириниб юрган. Ўз айбончилари орқали бундан хабар тошган АҚШ ҳарбийлари аввалига бинони ураб олган. Ерданга чақирилган вертолётлар уйни ракеталардан ўқига тутган. Шундан сўнг асосий

ҳужум бошланган. Келиб чиққан отишма натижасида уйда яшириниб олганлар ўлдирилган. АҚШ ҳарбийларидан тўрт киши яранган.

Иттифоқчиларнинг муваффақияти тўғрисида хабар берган генерал Р. Санчес журналистларнинг жанг майдонидан топилган маълумотлар ҳақидаги саволига жавоб берар экан, отишма юз берган ҳудуд синчковлик билан ўрганиб чиқилаётганини, лекин у ердан С. Хусейннинг яшириган жойи тўғрисидаги ашёлар топилмаганини айтди.

Бир неча йил давомида қонхўрлик ва ваҳшийликда ўз отасидан қолишмаган ўғилларнинг ўлдирилиши Ироқдаги вазиятни барқа-

дорлаштиришда муҳим аҳамият касб этиши тайин. Негаки, собиқ диктатор ва унга яқин бўлганларнинг тақдирини номаълумлиги мамлакатдаги аҳолини издан чиқаришга ҳаракат қилаётган кучлар учун ўзига хос маънавий далда, «чиқмаган жондан умид» бўлиб хизмат қилаётган эди.

«Саддамнинг оммавий йўриги қуроллари» деб ном олган ўғилларнинг қилмишлари Ироқда дoston бўлиб кетган, лекин ҳеч ким уларнинг муштунни пилт дея олмасди. Юзлаб, минглаб беғуноҳ одамларнинг ҳаётига зомин бўлган, ваҳший, қонхўр, беҳаё ака-укаларнинг ҳаёт тарзи одамларнинг ғазабини қанчалик кўзғотма-

син, мустабид тузум исканжасида қадди бузилган халқ разилликларга чек қўйишга юраги бетламаган. Удай ва Қусайнинг «қаҳрамонликлари» ҳақида оғиз очганларни эса ҳеч ким қайтиб кўрмас эди...

Кейинги пайтда Ироқдаги вазиятни кузатиб бораётган мутахассислар, сиёсатчилар, журналистлар ва ҳаттоки АҚШ ҳарбийлари орасида ҳам Оқ уй маъмуриятини танқид қилувчилар кўпайиб қолганди. Уларнинг фикрича, гўё иттифоқчилар Ироқдаги тиклаш ишларини пуқта режалаштирмаган. Собиқ тузум раҳбарларининг ҳаммон қўлга олилмагани эса аҳолини бағтар оғирлаштиратган эмиш. Удай ва Қусайнинг йўқ қилиниши бундай иккиланишларга барҳам бериши тайин.

Бобур СОБИРОВ, ЎЗА шарҳловчиси.

Қуз очиб юмғунча бутун дунёга тарқалган бу хабар АҚШ йўлбошчилигидаги иттифоқчилар Ироқда яна бир муҳим ғалабага эришганидан дарак берди. Ироқдаги беқарорликнинг асосий манбаларидан ҳисобланиб келинган Саддам Хусейннинг ўғиллари — Удай ва Қусай йўқ қилинди.

АҚШ марказий қўмондонлиги вакили генерал Рикардо Санчеснинг маълум қилишича, 22 июль кунини Ироқнинг Мосул шаҳри атрофида амалга оширилган ҳарбий операция натижасида тўрт нафар ироқлик ўлдирилган. Жасадлар ўрганиб чиқилганда улар собиқ диктаторнинг ўғиллари — Удай ва Қусайга тегишли экани аён бўлган. Уйда бўлган ўспирин ва яна бир ишнинг шахси ҳозирча аниқлангани йўқ. Лекин дастлабки маълумотларга кўра, ўспирин С. Хусейннинг на-

ҲАР КИМ ВА ҲАММА УЧУН - ДЛА ВСЕХ И КАЖДОГО

ЁШ МАТЕМАТИКЛАРИМИЗ — ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ

Мамлакатимизда ўқувчиларнинг замонавий билимларини пухта эгаллаши учун барча зарур шароит яратиб берилган. Иқтидорли ёшлар қўллаб-қувватланаётгани уларнинг нуфузли халқаро олимпиадаларда муваффақиятли иштирок этиб, юртимиз илм-фани шарафини муносиб ҳимоя қилишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимиздаги бир қанча танловларда ғолиб чиққан умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқув-

чиларидан олти нафари 12—18 июль кунлари Япониянинг Токио шаҳрида ўтказилган ёш математикларнинг 44-халқаро олимпиадасида муваффақиятли иштирок этди. Унда дунёнинг қарийб 90 давлатидан 450 нафар ўқувчи қатнашди.

Халқ таълими вазирлигига қарашли Бухоро вилояти Қорақўл туманидаги 1-ихтисослашган мактабнинг бир йўлакчи битирувчиси яхши натижани қўлга киритди: Дониёр Нафасов кумуш, Азиз Жўрақулов бронза медали

соҳиби бўлди. Қолган тўрт нафар юрдошимиз фахрий диплом билан тақдирланди.

— Ғалабамида устозимиз, олми тоифали ўқитувчи Тўхтамурод Жумаевнинг хизмати катта, — дейди Дониёр Нафасов. — Тинимсиз яшаниб, ўқиб-ўрганиб шундай нуфузли халқаро танловларда ғолиб бўлишимиз мамлакатимизда ёшларга билим олиши учун барча зарур шароитлар яратиб берилганлигининг самараси деб биламиз.

(ЎЗА).

РОСТ РОСТУ — РОЗНЬ



нтриметров. Это происходит потому, что снимаются хрящевые прослойки между позвонками.

● Самым высоким человеком в Европе был австриец Виннимайер, его рост 273 сантиметра.

● Разница роста мужчины и женщины в среднем достигает 10—15 сантиметров. Средняя арифметическая величина роста человека у взрослых для всего человечества равна: у мужчин около 165 сантиметров, а у женщин — около 154 сантиметра.

● Обычно «великаны» рождаются вполне нормальными. Растут они начинают в 8—9 лет, а чаще и позже — в 16—17 годам.

● Наряду с «великанами» встречаются и «карлики», т. е. люди чрезвычайно низкого роста — менее 120 см. В антропологии было известно около 15 карликов от 101,6 до 38 сантиметров. (Продолжение следует).

Собрал З. АКРАМОВ.

● Немецкие ученые установили, что в течение последних 20 лет средний рост человека увеличился на 7—10 сантиметров. Десятилетний мальчик в настоящее время на 12—14 сантиметров выше, чем его ровесник 90 лет назад. Ребенок в возрасте одного года на 5 сантиметров выше и на 2 килограмма тяжелее, чем его ровесник в 1900 году.

● Рост человека меняется в течение дня. Наиболее высокий человек бывает ранним утром. К вечеру его рост уменьшается на 1—2 см, а при продолжительной ходьбе — даже на 4—6 са-

● ТЕСТ

ЎЗИНГИЗНИ ИДОРА ҚИЛА ОЛАСИЗМИ?



- ганда аҳмоқгарчилик қилишим ҳам мумкин.
- Ха — 1 балл;
Йўқ — 0 балл.
3. Мендан дурустгина айтир чиқади.
- Ха — 1 балл;
Йўқ — 0 балл.
4. Бировлар назарида мен баъзи нарсаларга керагидан ортиқ қайғургандек туюламан.
- Ха — 1 балл;
Йўқ — 0 балл.
5. Давраларда мен камдан-кам ҳолда диққат марказига тушаман.
- Ха — 0 балл;
Йўқ — 1 балл.
6. Ҳар хил вазиятда турли кишилар билан муомалада менинг хатти-ҳаракатим ҳам ҳар хил.
- Ха — 0 балл;
Йўқ — 1 балл.
7. Мен фақатгина чин дилдан этикод қилган нарсаларимни ёқлай оламан.
- Ха — 0 балл;
Йўқ — 1 балл.
8. Ишларим ва кишилар билан муносабатларим юршиши учун хулқимни мувофиқлаштириб боришга ҳаракат қиламан.
- Ха — 1 балл;
Йўқ — 0 балл.
9. Мен таълим кўтармаган кишиларга ҳам хушмуомалалик қилишим мумкин.
- Ха — 1 балл;
Йўқ — 0 балл.
10. Мен қандай кўрисам аслида ҳам, ҳаммиса шундайман.
- Ха — 1 балл;
Йўқ — 0 балл.

Таъқидланаётган гапларга қўшилсангиз «ха» деган жавобни, акс ҳолда «йўқ», деган жавобни чизиб бориш ва кўрсатилган балларни пировардида жамланг. Мумкин қадар самимий жавоб беришга ҳаракат қилинг.

1. Бировларга тақлид қилиш менимча қийин.
- Ха — 0 балл;
Йўқ — 1 балл.
2. Бировларнинг диққатини тортиш ёки вақтини хушлаш пиятида кези кел-

ХУЛОСА

0—3 БАЛЛ. Сизнинг ўз устингиздан назоратингиз паст. Фейл-атворингиз барқарор, вазиятга қараб ўзгаришини ўзингизга эп кўрмайсиз. Муомалада самимийсиз. Тўғрисузлингиз сабабли баъзилар сизни маъқул кўрмайдилар.

4—6 БАЛЛ. Ўз устингиздан назоратингиз ўрта даражада. Кўнгилнингизда кирингиз йўқ, лекин меҳр-оқибатингиз камроқ. Бировлар раъйи билан кўпроқ ҳисоблашингиз лозим.

7—10 БАЛЛ. Ўз устингиздан назоратингиз баланд. Ҳар қандай қиёфага осонгина кирасиз, вазиятнинг ўзгаришига ҳам тез мослашасиз, ҳатто хатти-ҳаракатингиз оқибатларини ҳам олдиндан билиб иш кўрасиз.

3. ИСОҚОВА тайёрлаган.

ОТКУДА ЧТО ПРОИЗОШЛО

БАНАНЫ сравнительно недавно перешагнули рубеж своей родины — Индии. Древние греки и римляне, в основном, не употребляли бананов в пищу. Однако уже воины Александра Македонского стали первыми, кто по достоинству оценил замечательные свойства этих плодов: они придавали бодрость, утоляли жажду и аппетит — хотя бы ненадолго и, как потом выяснили специалисты, содержали в себе все необходимое для развития организма — витамины С, В, В2, В12, А, Е. Однако запрета на завоз бананов в Европу истовые клерикалы все же добились от своих правителей: по свидетельству церковников, банановыми листьями прикрывали свою наготу

Адам и Ева. И прошло еще немало времени, покада церковь — как католическая, так и православная — уступила в своем упорстве по части «вкусного и полезного импорта».

КАРТОФЕЛЬ. Родина картофеля — Южная Америка, где он был введен в культуру древними индейцами примерно 14 тысяч лет назад. В Испанию картофель завезен в 1565 году, в Англию — около 1585 года. В России картофель впервые появился при Петре I (конец XVII века). Начало его широкой культуры в России положено специальным указом Сената в 1765 году. В настоящее время известно более 1000 сортов картофеля, а возделывается в странах СНГ более 100 наиболее урожайных и питательных сортов.

Подготовил П. НАГОРНЫЙ.

ХАНДАЛАР

Бир ўзбек йигити бир пайтлар армияда бирга хизмат қилган чукча ошнасининг уйига, Тундрага меҳмонга борибди. Ташқарида 40 даража совуқ, уйнинг ичиди ҳам 20 даража совуқ эмиш. Чукча эса музлатгичдан муздек «Кока-кола» олиб, унинг ёнига қўярмиш. Жаҳли чиқиб кетган йигит дебди:

— Нима бало, эсингни еганмисан? Шунча совуқда бу колангни ким ичди?

Чукча эса:

— Эсингдан чиқдим.

Тошкентга борганимда, жазирама иссиқда ўзинг ҳам нукул иссиқ чой қуйиб берганинг, — дермиш.

Ўқитувчи текширган диктантларни ўқувчиларга қайтариб беришти:

— Комилжон, сенинг хатоларинг ёнингдаги шерингнинг хатолари билан айнан бир хил. Нера?

— Чунки бизнинг ўқитувчимиз битта-да!

Иккита дугона учрашиб, бири иккинчисига шикоят қилди.

— Эримни ҳеч тартибга ўргатолмадим-да!

— Яна нима бўлди?

— Ҳаминини ҳар куни ҳар хил жойга яширади-е!

ЭНГ МАШҲУРЛАРИ...

Хитойлик лингвист маҳаллий матбуотда бир неча йиллар давомида олиб борган тадқиқотлари натижаларини эълон қилди. Текширувлар шунини кўрсатдики, 1,3 миллиард хитойликлар орасидан 270 миллионгача бор-йўғи 3 хил фамилияга эга экан-

лар. Ли (7,9 фоиз), Вон (7,4 фоиз) ва Жан (7,1 фоиз). Умуман олганда Хитойнинг 87 фоиз аҳолисига ҳаммаси бўлиб 100 та фамилия тўғри келар экан. Энг машҳурлари юқорида айтиб ўтилган 270 миллионга тегишли бўлган фамилиялар экан,

ШТРАФ ЗА...

Продавец овощей из столицы Таиланда Бангкома признался в том, что ограбил около 48 собак из буддистского храма за то, что животные до этого пытались украсть его обед. Об этом сообщает газета «Найш», которая добавляет, что торговец оштрафован на 20 дол-

ларов за то, что подсыпал в пять мисок с едой для бездомных собак, традиционных для Таиланда находящихся приют в буддистских храмах.

Около 90% населения Таиланда исповедуют учение Будды Шакьямуни, которое не приемлет любую форму насилия над живыми существами.

● ТЕХНИКА ОЛАМИДА

ҚУЁШ СЕВАР МАШИНАЛАР ПОЙГАСИ



АҚШда дунёда биринчи марта қуёш энергияси билан ишловчи автомобилларнинг «Америкэн Салар Челленж» пойгаси бошланди. Мамлакатнинг машҳур 66-трассасида ўттиз нафар моҳир ҳайдовчи куч синашмоқда.

Даврининг энг сўнгги рўсумли автомобиллари уч минг етти юз километр ма-

софани босиб ўтиши керак. Пойга ўн кун давом этади.

Бу ноёб пойгани томоша қилиш учун йўл бўйида мамлакатнинг турли штатларидан одамлар тўпланяпти. Айниқса, бундай автомобиллар ҳозир талабалар орасида оммалашмоқда. Пойгани ўтказишдан асосий мақсад ҳам америкалик талабаларни техникавий ижода ўргатиш ҳамда қуёш энергиясидан фойдаланишни тарғиб қилишдан иборат.

Қуёш энергияси билан ишлайдиган машиналар-

нинг ҳар бири камидан 200 минг доллар туради. Пойгада қатнашаётган бир ўриндиқли машина саккиз квадрат метрни қуёш батареяларида ишлайди. Машинанинг оғирлиги атиги 410 килограмм. У соатига юз йигирта километр масофани босиб ўта олади.

Пойга ҳар куни ўн соат давом этади. Унинг талаблари оддий. Пойгачилар тезликни белгиланган меъёрдан ошириши мумкин эмас.

Шаҳноза МАТНАЗАРОВА, ЎЗА шарҳловчиси.

ВАТАНПАРВАР

Объявления и реклама для опубликования в газете «Ватанпарвар» принимаются в редакции ежедневно с 9.00 до 16.00 (комн. 27).

Адрес: ул. Купцова, 21 (ориентир гостиница «Россия»).

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

